

ХУДУДЛАР ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Эрматов Лазизжон Азиз ўғли

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Иқтисодиёт факультети
2-курс магистранти

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳам қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва жозибadorлигини ошириш ҳисобланади. Мамлакатнинг комплекс ривожланишини таъминлаш ва инвестицион муҳит-жозибadorлигини ошириш бўйича илмий тадқиқот олиб боришда, энг аввало, мамлакатда унинг ҳудудлари салоҳиятини тадқиқ қилиш, уларни баҳолаш, таъсир кўрсатадиган омилларни таснифлаш, ўзаро боғлиқлик касб этган жиҳатларни иқтисодий-математик усуллар орқали очиқ бериш мақсад қилиб олинган. Қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва жозибadorлигини ошириш иқтисодиёт тармоқларини янада эркинлаштиришга, улар ўртасидаги рақобат муҳитини такомиллаштиришга, иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга, ишчи кучи масаласини оширишга ва улар бандлигини таъминлашга жуда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Инвестиция бўлмаса, иқтисодиёт ривожланмайди. Инвесторларга муҳит, инфратузилма яратсак, иш жойи бўлади, маҳсулот кўпаяди, солиқ тушади. Корхоналарнинг ўз маблағини яна айлантириб, фаолиятини ривожлантиришга рағбатлантириш керак”[1] деб таъкидлаб ўтган. Шунингдек, 2017-йил 7 февралда Президент Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ёналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га кўра учинчи устувор ўналиш иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш деб номланиб, унда “Инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш” вазифалари кўрсатилган. Айнан инвесторларни кўпроқ жалб қилиш ва бундан кўпроқ даромад олиш учун мамлакатда эркин, барқарор, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва унинг инвестицион жозибadorлигини ошириш жуда ҳам зарурдир.

Россиялик иқтисодчи олим С. Ряскова фикрича, инвестицион потенциал—бу «...қайсики потенциал талаб шаклида инвестиция бозоридаги жамғарилган капитал қисмини ташкил этувчи инвестицион ресурслар йиғиндисидир»[2]. А.Третьякова инвестицион потенциални капитал ишлаб чиқаришга бўлган истеъмол қондирилишини таъминловчи реал инвестицион талабга айланиш имкониятига эга бўлган потенциал талаб шаклида инвестиция бозорида жамғарилган капитал қисмини ташкил этувчи инвестицион ресурслар йиғиндиси[3] деб ҳисоблаган.

Мамлакатимиз ҳудудларининг молиявий инвестицион салоҳияти турлича бўлиб, уларни тўғри баҳолаш ва таҳлил этиш, молиявий-инвестицион имкониятларини молиявий нобарқарорлик шароитларида тўғри прогноزلаш масаласи ўта долзарб масалалардан ҳисобланади.

Таҳлилларимиз кўрсатишича мамлакатимизда ҳудудлар бўйича молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркиби 2000 йилда давлат бюджетидан 29,2 фоизни, банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 7,2 фоизни, чет эл инвестициялари ва кредитлари 23,2 фоизни, корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари 40,8 фоизни ташкил этади. 2021 йилда давлат бюджетидан 8,8 фоизни, банкларнинг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари 8,0 фоизни, чет эл инвестициялари

ва кредитлари 42,7 фоизни, корхоналар ва аҳолининг ўз воситалари 38,1 фоизни ташкил этган. Таҳлил этилаётган 2000-2021 йилларда даврда молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар таркибида чет эл инвесторлари ва кредитлари 19,5 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин. Бундан натижа мамлакатда хорижий инвесторларга берилаётган имтиёзларнинг ортганлиги ва мамлакатнинг халқаро молиявий институтлардан мақсадли, имтиёзли кредитларни жалб қилишга катта аҳамият берилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Худудлар бўйича кўрадиган бўлсак, чет эл инвесторлари ва кредитлари маблағлари Қорақалпоғистон Республикасида (31,6 фоизга), Андижон вилоятида (44,5 фоизга), Бухоро вилоятида (49,5 фоизга), Қашқадарё вилоятида (24,6 фоизга), Навоий вилоятида (39,9 фоизга), Наманган вилоятида (30,3 фоизга), Самарқанд вилоятида (18,5 фоизга), Сурхандарё вилоятида (39,2 фоизга), Сирдарё вилоятида (35,0 фоизга), Тошкент вилоятида (6,7 фоизга), Фарғона вилоятида (12,4 фоизга), Хоразм вилоятида (25,4 фоизга), Тошкент шаҳрида (5,4 фоизга) орган, фақат Жиззах вилоятида ўзгаришсиз бўлган[4].

Ассосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар динамикаси 2000-2021 йилларда 101,0 фоиздан 105,2 фоизга органлигини кўришимиз мумкин. Худудлар бўйича 2021 йилда 2020 йилга нисбатан Қашқадарё ва Навоий вилоятидан ташқари барча худудларда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар хами ортган. Мамлакатдаги ўртача ўсиш кўрсаткичига нисбатан юқори ўсиш таҳли этилган даврда Хоразм вилоятида (44,2 фоиз)ни, Бухоро вилоятида (36,4 фоиз) ни, Тошкент вилоятида (19,1 фоиз) ни, Сирдарё вилоятида (16,4 фоиз)ни, Андижон вилоятида (15,3 фоиз)ни, Самарқанд вилоятида (12 фоиз)ни ташкил этган. Қолган худудларда мамлакатдаги ўртача ўсиш даражасидан камроққа ортган. Бу ҳолат албатта мамлакатда миллий иқтисодийнинг барқарор ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сон қарорига асосан 2022 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган хорижий кредитлар кредитларни жалб қилиш бўйича прогноз 11910,0 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 13649,3 млрд сўм ўзлаштирилиши белгиланган, ёки 14,6 фоизга ортиши режалаштирилган. Худудлар бўйича энг катта маблағлар Тошкент шаҳрида 1223,0 млрд сўм, Фарғона вилояти 362,0 млрд сўм, Жиззах вилояти 339,7 млрд сўм режалаштирилган. Шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 19,4 фоизга, кафолатланмаган хорижий кредитлар 9,6 фоизга ортиши режалаштирилган[5].

Хулоса қилиб айтишимиз мумкин, мамлакатимизда худудларни инвестицион жозибadorлигини ортиши учун бизнес юритиш учун инфраструктурани яратилиши, тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ маъмурий ва ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакат худудларига кириб келаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улушини ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб мамлакатимизда худудларда инвестиция муҳитини жозибadorлигини оширишда қуйдагиларга эътибор қаратишни кучайтириш мақсадга мувофиқ:

ташқи дунё билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш;

тадбиркорлар билан давлатнинг бирдамлиги ва ишончли шерикчилигини таъминлаш;

жаҳон ҳамжамияти тасаввурида Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкор имижини ҳосил қилиш;

ишлаб чиқаришнинг юқори маҳсулдорлиги билан ривожланиш эмас, балки тараққиётнинг инновацион асосда қурилишини таъминлаш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining rasmiy sahifasi. / Official page of the President of the Republic of Uzbekistan www.president.uz
2. Рясков С.К. (2000). Формирование инвестиционного потенциала и оптимизация его использования: региональный аспект: Дис. канд. экон. наук. М. 166 с. / Ryaskov S.K. (2000). Formation of investment potential and optimization of its use: regional aspect: Dis. Cand. econom. Sciences M. 166 p.
3. Третьяков А.Г. (2006). Управление инвестиционной активностью в регионе: автореф. дис. канд. экон. наук. М. 18 с. / A.G. Tretyakov (2006). Management of investment activity in the region: author. dis. Cand. econom. sciences. M. 18 p.
4. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments>
5. Ўзбекистон республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сон қарори.